

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

"Мен англаган заёт  
зақикати"

Дунёда халқ дуоси-  
ни олишдан ортиқ са-  
воб йўқ. Дунёда халқ  
қарғишига қолишдан  
ортиқ гуноҳ йўқ.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

2019 йил 9 апрель

сешанба № 14 (1166)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

## ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

1. Салтанат тўнни кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш хузуур-ҳаловатидан воз кечдим.

Раият аҳволдан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қатори-да, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизождан вофиқ бўлиб турдим.

2. Ким менга дўстлик қилса, қадрладим, унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менга душманлик қилса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ғимоя истаб, тиз чўкиб хузуримга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим.

Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, синалган, шижоатли эр-ийгитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ғим-матсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

3. Амир этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархона (йўловчилар кўниб ўтадиган ер; мискин ва етим-у есирларга таом бериладиган жой; ғарибхона) солсинлар, касаллар учун шифохона кўрдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда сарой ва қозихона (Дор-ул адолат) кўрсинлар. Ва раият зироатни кўриқловчи кўрчилар ҳам тайинласинлар.

4. Амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда қоризлар курсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўприклар курсинлар, йўл усти ҳар манзилгоҳга работлар бунёд этсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар кўйсинлар, ҳар бир работга бир неча одамни жойлаштирайсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини гафлат босиб, ўғирлашиб қўймастикларининг вазифаси ҳам ушаларнинг зиммасида бўлсин.

Халқаро тадбир



ФОРУМГА САНОҚЛИ  
КУНЛАР ҚОЛДИ

"Tashkent Law Spring" халқаро юридик форуми жорий йил 25-27 апрель кунлари бўлиб ўтади. Мазкур тадбир Адлия вазири ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID), БМТ Тараққиёт дастури, БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бошқармаси (UNODC), "Минтақавий мулоқот" халқаро ташкилоти, "Газпромбанк" АЖ ва бошқа ташкилотлар ушбу халқаро форумга ҳомийлик қилмоқдалар.

2-БЕТ ▶

### САҲИФАЛАРДА:

#### Энди уйим расман ўзимники!

Гарчи мен тан олишни иста-масам-да, бу ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний иморат эди.

3

#### Қарздорликни "йўқ қилувчи"лар

жавобгарликка  
тортилди

3

#### Қонун ижроси таъминлансагина кучли йўқса...

6

#### СССРнинг махфий объектлари

Қандай мақсадда  
қурилган ва ҳозир  
қай аҳволда?

8



5-БЕТ ▶

### Йиллик муаммо

Уни ечадиган пайт кел-мадими?



ТАҲРИРИЯТИМИЗГА фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти суд ҳукми ва қарори кучга кириб, ижроси таъминлангандан кейин ёки бир неча ўн йиллаб "қудуқ туби"га ташлаб қўйилган ижтимоий масала-лардан иборат. Бу эса мурожаат юза-сидан журналистик текширув ўтказиш

жараёнида кўп йиллар олдинги ҳолат-ларга ойдинлик киритиш ва адолат қарор топишида бир мунча қийинчи-ликлар туғдиради.

Ташкент вилояти, Бекобод туманида яшовчи фуқаро Хусниддин Ғайбуллаев жорий йилнинг март ойида таҳририятга оз эмас, кўп эмас, нақд ярим асрдан ор-

тиқроқ уй-жой билан боғлиқ муаммосини ҳал этишда ёрдам сўраб мурожаат қил-ди. Унинг қисқача мазмуни қуйидагича: "Мен ота-онамдан қолган Бекобод туман Улуғбек фермерлар уюшмаси, "Теракзор" МФЙ, Теракзор қўчаси, 59-уйда туғилганимдан буён, яъни 1967 йилдан оилам билан яшаб келмоқдаман.

Отам Жамолиддин Ғайбуллаев деярли бутун умр ўқитувчи бўлиб ишлаганлар. 1964 йилда отам уша вақтдаги давлат ҳокимияти томони-дан акратилган ерга уй-жой қурганлар. Отам вафотидан (1995 йил) кейин мен ака-укаларим розилигини олиб, турмуш ўртоғим ва 4 нафар фарзандларим билан яшаб келмоқдаман. Мен 2017 йилнинг августидан буён туман ҳокимиятига 55 йил яшаб келаётган уй-имизга эгаллик ҳуқуқини сўраб, бир неча бор мурожаат қилдим. Лекин турли важлар билан эгаллик ҳуқуқини бериш-маяпти..."

5-БЕТ ▶

# ТАРИХ ГУВОҲ БЎЛГАН БҮЮК САЛТАНАТ



*БҮЮК салтанат соҳиби Амир Темури барпо этган қудратли давлат ҳар томонлама тараққий этди. Мўғуллар истибдоди даврида топталган юрт қайтадан ўзлигини намоён қилди. Дунё, хусусан, Европа давлатлари билан турли соҳаларда алоқалар ривожланди. Ўша даврлардан Амир Темури ва у барпо этган қудратли давлатга қизиқиш тобора ортиб борди. Бу эса тарихий манбаларда ўз аксини топганлиги билан аҳамиятлидир.*

Машҳур сайёҳ ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг "Кундалик"лари Темури ва теуриийлар даври тарихидан хабар берувчи муҳим асарлардан бири ҳисобланади.

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, XIV асрнинг 80-90-йилларида Темури давлатининг шон-шухрати Оврупо мамлакатларигача бориб етди. Англия, Франция, Испания, Генуя ва Византия сингари давлатларнинг ҳукмдорлари Амир Темури билан сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ўрнатишга интилиб, улуг жаҳонгир хузурига мунтазам равишда ўз элчиларини юбориб турдилар. Масалан, Кастилия қироли Генрих III нинг элчиси дон Пелагия де Сатоматир ва дон Фердинанд де Паласуелос 1402 йили Темури Қорабоғда турганда унинг хузурига келишган ва ўша йилнинг 20 июлида Амир Темури билан Боязид I Йилдириш (1389-1402) кўшинлари ўртасида бўлган энг катта қирғин-барот урушини ўз кўзлари билан кўришган эди. Жангдан кейин уюштирилган катта қабул маросимида булардан бошқа яна бир талай мамлакатнинг элчилари ҳам қатнашдилар. Хуллас, ўша йиллари Темури билан Оврупо давлатлари ўртасидаги савдо ва сиёсий муносабатлар қандай бўлганлигини жуда кўп расмий ҳужжатлардан ҳам билиб олиш мумкин.

Самарқанд ва у ерда Амир Темури қурдирган бинолардан баъзилари ҳақида Клавихо куйидагиларни ёзади:

Самарқанднинг бойлиги ҳақида. "Бу юрт дон-дун, май, мевачева, парранда гўшти, (бошқа) ҳар хил гўшт, қўйинги, ҳамма нарсага бойдир... бир жуфт семиз қўйнинг нархи 1 дукат (Дукат — Испанияда ўша вақтда амалда бўлган олтин пул).

Катта хиёбон ва савдо расталари ҳақида. "Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек, бениҳоят бой Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади. Шаҳарга келтирилган молларни бир сафда тартиб билан жойлаштириб сотадиган кенг жой (шу пайтгача) йўқ эди. Подшоҳ икки тарафда қатор дўконлар жойлаштирилган савдо растасидан иборат кўча ўтказишни буюрди. Мазкур кўча шаҳарнинг бир чеккасидан чиқиши лозим эди. Подшоҳ бу ишни икки мирзосига топшириб, улар кечаю кундуз (тинмай) меҳнат қилдилар. Йўлга тушган уйлар кимники бўлишдан қатъи назар, бетўхтов бузилди... Кўчаниннг икки тарафига дўконлар қурилди, ҳар бир дўкон олдида мрамр билан қопланган юксак курсилар ўрнатилган. Ҳар бир дўкон иккита хонадан иборат эди. Кўчаниннг тепаси гумбаз шаклида ёпилган бўлиб, ёруғлик тушиб турадиган туйнукчалар қўйилган".

"Тузуқот"да ҳам Амир Темури ва теуриийлар даврини ўрганиш учун зарур маълумот ва хабарлар мавжуд. Унда Чигатой улуси (Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон, Мовароуннахр ва Шимолий Афғонистон ерлари)нинг 1342-1405 йиллардаги тарихи, давлат ва кўшиннинг тузилиши, Амир Темури давлатининг кўшни мамлакатлар билан олиб борган сиёсий муносабатлари тарихи ўз ифодасини топган.

"Тузуқоти Темурий" икки қисмдан таркиб топган. Биринчи қисмда Амир Темурининг давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, кўшинларни ташкил этиш юзасидан тузуқлари, режаларидан иборат бўлиб, ҳатто кўшиннинг жанговар тартиби жад-

валлар воситасида ифодаланган. Иккинчи қисмда 13 кенгаш ва унинг бўлимларида Амир Темурининг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилади.

Асарда айтилишича, Амир Темури кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни рағбатлантирган. Бундай ишга кўл урганларга Амир Темури ҳукумати катта имтиёзлар берган. Бу ҳақда "Тузуқот"да куйидагиларни ўқиймиз: "Биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили райат ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қондада мувофиқ хирож йиғилсин". "Ўлик" ерларни ҳосилдор ерларга айлантириш шарт-шароитлари ҳақидаги кўрсатмалар ҳам диққатга сазовордир: "Ҳароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (давлат ерларини бошқарувчи маҳкама) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, ҳароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар солсинлар, йўл устида, ҳар бир манзилгоҳга работлар қурсинлар".

Амир Темури замонида солиқлар муайян тартибда белгиланган эди. Энг муҳими, ердан олинадиган хирож миқдори ҳам, чорвадан олинадиган солиқ миқдори ҳам белгиланган эди. Мухосиллар (солиқ йиғувчилар)нинг фаолияти устидан назорат ўрнатилган. "Амр қилдимки, дейилади "Тузуқот"да, райатдан мол-хирож йиғишда оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан

эҳтиёт бўлиш зарур, чунки райятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади. Хазинанинг ғариб бўлиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг заифлашувига олиб боради".

Амир Темурида муҳим ажойиб хислат — кўл остидагиларнинг гуноҳини кечира олиш қобилияти ҳам бўлган. Амир Темури эслади: "Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келган, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим".

Амир Темури очкўз, зиқна, ёвуз ва нафс бандаларини ёқтирмас эди, айниқса, ўзининг кечаги валинеъматини унутганларга нисбатан шафқатсиз эди. "Қайси бир сипоҳий туз ҳаққи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, меннинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим.

Шуни айтиш керакики, буюк соҳибқирон Амир Темури жамиятдаги барча табақаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини эътиборга олган мардлар ва номардларга нисбатан алоҳида тартиб асосида иш юритган.

Дарҳақиқат, Амир Темури барпо этган буюк салтанат дунё халқлари тақдирини, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик асосида юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Амир Темурининг тарихий хизмати ҳам ана шундадир.

Ҳақим АЗИМОВ,  
Тарих фанлари номзоди, доцент



## ФОРУМ ДАСТУРИДАН НИМАЛАР ҲАҚИДА ДАСТУРГА СЎНГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

Маълум бўлишича, ушбу халқаро юридик форумда дунёнинг турли давлатларидан 50 нафардан ортиқ мутахассислар спикер сифатида иштирок этди. Айни дамда форум дастурига сўнги ўзгаришлар киритилмоқда. Масалан, "Сифатли давлат бошқаруви" йўналиши доирасида давлат бошқаруви ва маъмурий ислохотлар, меъёрий сифат, давлатнинг иқтисодийётга аралашувини камайтириш, коррупцияга қарши кураш, давлат хизматининг ўзгариши, ҳукуматнинг ошкоралигини таъминлашнинг долзарб жиҳатлари муҳожама қилинади. Алоҳи-

да сессия халқаро рейтинглар (индекс)лар масалаларига бағишланган. Жаҳон банки таҳлилчиларининг Ўзбекистон ва энг яхши кўрсаткичларга эга бошқа мамлакатлар мисолида шартномалар ижроси соҳасидаги ислохотлар тенденциялари борасида чиқиш қилиши режалаштирилган.

2019 йил мамлакатимизда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили", деб эълон қилинган. Шу боис, фаол инвестициявий сиёсатни шакллантириш масалалари "Tashkent Law Spring" иштирокчиларининг эътибор марказида бўлади. Хусусан, Ўзбекистонда фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш, давлат хусусий шерикчилиги соҳасидаги илгор тажриба ва мамлакатимиз шароитида унинг қўлланилиши,

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

## Форумга санокли кунлар қолди

халқаро инвестицияларни рағбатлантириш учун ўзбек бизнесини шакллантириш ва қўшма корхоналар тузиш масалалари кўриб чиқилади. Иқтисодиётни тезкор модернизациялаш ва рақамлаштиришни ҳисобга олганда, блокчейн технологиялари ёрдамида маълумотларни тартибга солиш, рақамли шартномалар ва валюта жорий этилганда ҳуқуқий амалиёт каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

### ОАВНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ 15 АПРЕЛДА ЯКУНЛАНАДИ

Айни дамда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш давом этмоқда. Аккредитация форумнинг барча тадбирлари учун маж-

бурий саналади. Талабномаларни қабул қилишнинг охири муддати эса — 15 апрель. Эслатиб ўтиш жоиз, оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш бепул амалга оширилади.

Аккредитация тартиби:

- ОАВ раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган аккредитация формасини тўлдириш (миллий медиа учун);

- тўлдирилган формани иштирокчи паспортининг нусхаси ва (бейджик учун) 3,5x4,5 фотосуратни илова қилган ҳолда, accreditation@tashkentlawspring.uz; press@minjust.gov.uz. электрон манзилига юбориш.

Хорижий ОАВ вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган аккредитация гувоҳномасининг нусхаси ва белгиланган ўлчамдаги (3,5x4,5) фотосуратни тақдим этишлари зарур. Мазкур ҳужжатларни accreditation@tashkentlawspring.uz; press@minjust.gov.uz. электрон манзилига юбориш талаб этилади.

**АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН  
ОАВ ВАКИЛЛАРИ ҚҮЙИДАГИ  
ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА БЎЛАДИ**

Мунозара ва амалий тадбирларда иштирок этиш;

тадбирлар дастури тўғрисидаги маълумотларни олиш;

форум ўтказиладиган ҳудудда видео ёки фото суратга олиш; журналистлар фаолияти учун мўлжалланган барча хизматлардан фойдаланиш;

форум кунларида (агар матбуот маркази бор бўлса) матбуот марказида ишлаш;

матбуот анжуманлари, брифинглар ва турли тадбирларда иштирок этиш.

### ЮРИДИК ФОРУМГА МАРҲАМАТИ

"Tashkent Law Spring" — бу мунозарали йиғилишлар, танишувлар, самарали мулоқотлар, қизиқарли маданий дастурлар деганидир. Форум давомида "Йилнинг энг яхши адвокати", "Йилнинг энг яхши адвокатлик тузилмаси", "Энг яхши корпоратив юридик хизмат" каби номинациялар бўйича голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Адлия вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

# ЭНДИ УЙИМ РАСМАН ЎЗИМНИКИ!

Зангиота туманида 10 йилдан бери яшайман. Навбахор МФЙ, Маданият тор кўчаси, 4-уй манзилида оилам билан истиқомат қиламан. Шунча йил орасида эса ўз мулким — ўз уйим учун кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришнинг иложини қилолмадим. Бунинг учун қонуний асосим йўқ эди. Кўз очиб юмгунча йиллар ўтиб бораверарди. Менинг эса қачондир расмий ҳужжат талаб қилинганда кўрсатилган ҳеч қандай далилим йўқ эди. Ўзимнинг таъбиримча, бу уй менинг бошпанам, мулким, неча йилдан бери кўним топган, рўзгор бунёд этилган масканим. Расман олганда эса, гарчи мен тан олишни истамасам-да, бу ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний иморат эди.



Телевидение ва бир неча газеталар орқали 2019 йил 1 майдан давом этадиган ўзбошимчалик билан қурилган уйларга мулк ҳуқуқини бериш бўйича акция бўлаётгани ҳақида хабар топдим. Бу қоида Президентимиз Фармони ва Ҳукумат қарори билан мустақамланган экан. Бу хабарни эшитиб, жуда қувониб кетдим. Кўз ўнгимдан бир гўшада кўним толиб, шу ерни макон тутган, аммо ўз турар жойини қонунийлаштира олмаётган қанчалаб одамлар ўтди. Давлат бизни ўйлабди, ишимиз енгиллашибди, дея хурсанд бўлдим. Шу заҳоти туманимиздаги Давлат хизматлари марказига бордим. Комиссия томонидан ўрганиш ўказилди. Менинг ўзбошимчалик билан қурилган уйим шаҳар-созлик нормаларига мос ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмас экан.

2019 йилнинг 7 мартда ўзбошимчалик билан қурилган иморатни эътироф этиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори қабул қилиниб, менга ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Энди расман ҳам уй ўзимники!

Ушбу тартибни жорий қилган ҳукумат вакиллари, қонун ижодкорларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Уй-жой масаласида худди меники каби муаммоси бор ва акциядан бе-хабарларга эса “Шошлинг, ҳали ҳам вақт бор, уйингизни қонунийлаштириб олинг”, деб қоламан.

**Нурилла БАҲРОМОВ,**  
Зангиота тумани

## Ўзбошимчалик билан қурилган уйларга мулк ҳуқуқининг берилиши мен каби қанчалаб одамларнинг оғирини енгил қилди

Чирчиқ шаҳрида “Ҳаёт гули” МФЙ, А.Авлоний кўчаси 40-а манзилида истиқомат қиламан. Иморатим 1955 йилда қурилган. Оилам билан 2007 йилдан бери шу уйда яшаб келаяпман. Эълон қилинган акциядан хабар толиб, Чирчиқ шаҳар Давлат хизматлари марказига мурожаат қилдим. Маълум бўлишича, комиссия аъзолари ўзбошимчалик билан қурилган уйлари жойига бориб ўрганар экан. Комиссия томонидан уйимиз ўрга-

нилди ва кадастр идорасига ижобий хулоса берилди. Шундан кейин Чирчиқ шаҳар ҳокимининг 2019 йил 1 апрелдаги 346-сонли қарори билан менга уй жойга эгалик қилиш ҳуқуқи эътироф этилди.

Ҳозирда давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган кўпгина қарорларда, аввало, халқ манфаати кўзланаяпти. Ўзбошимчалик билан қурилган уйларга мулк ҳуқуқининг берилиши ҳам қанчалаб одамларнинг оғирини енгил қилди. Ўзинг яшаб турган уйнинг ноқонунийлигини ҳис қилиб ҳаёт кечириб оғир. Бу ҳисни мен каби кўпгина фуқароларимиз бошидан кечирган. Ўз иморати учун мулк ҳуқуқини олган бир қанча танишларимни биламан. Улар ҳам яратилган ушбу имкониятдан унумли фойдаланишди ва айни дамда бир неча йиллик муаммолари қонуний ҳал этилганидан қувониб юришибди.

**Абдулла САТИМОВ,**  
Чирчиқ шаҳри

## Иморатимга энди қонуний эгалик қиламан

Қибрай тумани Янгиобод қишлоғида яшайман. Хайдаобод МФЙ, Катта сув 3/2-уйда 2004 йилда кўшимча қурилиш барпо қилган эдим. Аммо менга тегишли ташкилот томонидан шунча йилдан бери кадастр ҳужжати расмийлаштириб берилмади. Норози бўлиб, туманимиздаги адлия бўлимига мурожаат қилган эдим. Улар менга бу ноқонуний қурилиш эканлигини, ҳозирда агар менинг иморатим шаҳарсозлик қоидаларига ва яна бир қанча қонун-қоидаларга зид бўлмаса уни қонунийлаштириш мумкинлигини тушунтиришди. Шундай қилиб, Қибрай тумани адлия бўлими ходимларининг аралашуви билан, комиссия ижобий хулоса берганидан сўнг кўп ўтмай кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. Менга турар жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини берувчи туман ҳокимининг қарори ҳам чиқарилди. Энди иморатимга қонуний эгалик қиламан. Бу ишга тез ва қонуний ечим топилиганидан жуда хурсанд бўлдим.

**Гулшат ГАРАЕВА,**  
Қибрай тумани

Адлия аралашгач...

## БОШ ШИФОКОР ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

ПОП туман адлия бўлими фуқаро Э.Бердалиевнинг Поп туман тиббиёт бирлашмаси томонидан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан адлия бўлими томонидан киритилган тақдимномага асосан Поп туман тиббиёт бирлашмасининг 2019 йил 3 январдаги 3-сонли буйруғи бекор қилинди.

Шунингдек, фуқаронинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ёзган аризаси Поп туман тиббиёт бирлашмасининг 132-сонли буйруғи асосида у билан тузилган меҳнат шартномаси 2019 йил 15 январдан бекор қилиниб, шу кунга қадар ишлаган ойлик иш ҳақлари ундириб берилиши таъминланди.

Шу билан бирга, Поп туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Р.Рахматуллаев томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси (Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланиб, бош шифокорга нисбатан жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун Поп туман бандликка кўмаклашиш марказига тегишли маъмурий тақлиф киритилди. Марказнинг 2019 йил 27 февралдаги қарорига асосан туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда маъмурий жарима жазоси тайинланди.

**Сарвар АБДУНАЗАРОВ,**  
Поп туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

АТТАНГ

## Қарздорликни “йўқ қилувчи”лар ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

Самарқанд вилоят мажбурий ижро бюроси бошлиғининг биринчи ўринбосари Бурхон Ҳайдаровнинг маълумотига кўра, Пастдарғом туманидаги “Найман” маҳалласида истиқомат қилувчи Ботир Ҳасанов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) умумий фойдаланишдаги табиий газ тармоғига ноқонуний, ўзбошимчалик билан улашиб, 75 миллион 150 минг сўмлик табиий газдан ўғринча фойдаланган. Ушбу ҳолат юзасидан фуқаро Б.Ҳасановага

нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, Самарқанд тумани, “Янгиравот” маҳалласида яшовчи Расул Иброҳимов қонунга зид равишда 410 метр квадрат иссиқхонага ўзбошимчалик билан газ тармоғини улаб олган. 2 ой давомида яширинча табиий газдан фойдаланиб, давлатга 25 миллион 225 минг сўмлик миқдорда зарар етказган. Бу фуқарога нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилган.

Халқимизда гуруч курмак-сиз бўлмайдиган, деган ибора бор.

Бугун коммунал тизимида ишлайдиган айрим ходимлар ўз ваколатларини суистеъмол қилаётганликлари ҳам бор гап. Айтилиб, Самарқанд вилояти “Электр тармоқлари ва монтаж ишлари” МЧК ходимлари Бегзод Зокиров, Турди Исанов, Иноят Туроповлар ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқаро Адаш Худайкуловдан электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганлик ҳолатини расмийлаштирмаслик эвазига, 300 минг сўм пара талаб қилишган. Бу ҳолат бўйи-

ча А.Худайкулов Самарқанд вилояти мажбурий ижро бюросига ариза билан мурожаат қилди. Тезкор гуруҳ ходимлари томонидан ушбу фуқаролар устидан далилий ашёлар йиғилиб, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Шунингдек, Пастдарғом туманидаги бир гуруҳ фуқаролар туманлараро газ участкаси ходимларининг “хурмача” қилиқлари хусусида мажбурий ижро бюросига мурожаат қилишди. Текшириш давомида маълум бўлдики, туманлараро газ участкаси ходимлари Саид Эшонов, Рўзи Мухаммадиев, Латиф Инатовлар фуқаро Рашид Ишоновни табиий газдан қарзи борлиги, қарзни тўламай юрганлиги ва катта жаримага тортилишини айтиб, газ тармоғидан узиб қўямиз, деб кўрқитишган. Улар “ҳожатини” чиқариш эвазига 2 миллион 352 минг сўм “хизмат ҳақи” сўрашган. Шунингдек, шу тумандаги “Найман” маҳалласида яшовчи Бобнон Умировнинг 5 милли-

он сўмлик қарзини йўқ қиламиз, деб ундан 300 АҚШ доллари талаб қилишган. Шунини айтиш керакки, 3-сонли Пастдарғом туман газ таъминоти бўлими ходимлари мажбурий ижро бюросининг туман мониторинг бўлими ҳисоб шўъбасидаги махфий рақам орқали ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний равишда 81 нафар истеъмолчининг 227,6 миллион сўмлик қарздорлигини олиб ташланганлиги ҳамда 124 нафар истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамларига қўшимча равишда 194,6 миллион сўмлик қарздорлик асосида киритилганлиги текшириш давомида фош этилди. Нафси ҳақалак отган 3-сон Пастдарғом туманлараро газ идораси ходимлари Саид Эшонов, Рўзи Мухаммадиев, Латиф Инатовлар Жиноят кодексининг тегишли бандлари билан жиноий жавобгарликка тортилдилар.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири

АЛИМЕНТ ТЎЛАШ  
УСУЛЛАРИ

— ҲОЗИРДА 1 нафар фарзандимга алимент тўлайман. Алиментни бир йўла ҳаммасини ҳисоблаб, тўласам ҳам бўладими? Умумий суммани бирдан тўлаганимдан кейин собиқ турмуш ўртоғим яна пул талаб қилса-чи?

Хайриддин ЗОИРОВ,  
Шўрчи тумани



— Оила кодексига асосан, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув бўйича алимент тўлаш усуллари ва тартиби шу келишув билан белгиланади.

Алиментлар:

• алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушларда;

• вақти-вақтида пул билан тўланадиган қатъий суммада;

• бир йўла пул билан тўланадиган қатъий суммада;

• мол-мулк билан ёки келишувда қайд этилган бошқа усулларда тўланиши мумкин.

Алимент тўлаш ҳақидаги келишувда алимент тўлашнинг турли усулларини бирга қўшиб қўллаш назарда тутилиши мумкин.

Шу билан бирга ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.

Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота (она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

БОБОМНИНГ МУЛКИ КИМГА  
ҚОЛАДИ?

— БОБОМ менга бор мулкни мерос қилиб васият қолдирди. Васият бўйича бор мол-мулк менга ўтадимми ёки бобомнинг фарзандлари даъво қилиши мумкинми?

Азим ТОШЕВ,  
Шаҳрисабз шаҳри



— Фуқаролик кодексига асосан фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият, деб эътироф қилинади. Васиятнома ёзма шаклда тузилиши лозим.

Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятнома-нинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг қамиди ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқий ҳисобланади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими  
Дилмурод РАЖАБОВЕВ жавоб берди.

БОЛАЛАР ТАЪЛИМИГА ҚАРШИ БЎЛГАНЛАР  
ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

— БОЛАЛАРНИНГ дарсларга боришига қаршилик қилиш учун жавобгарлик белгиланганми?

Дилфуза СОЛИЕВА,  
Самарқанд вилояти

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Саволга Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ҳодими  
Шўхрат НАМОЗБОВЕВ жавоб берди.

ТАДБИРКОРГА МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ  
ОЧИЛАДИМИ?

— ЯККА тартибдаги тадбиркорликни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қанча вақт кетади? Дейлик, 10-одам бўлиб навбатда турибман. Якка тадбиркорга меҳнат дафтарчаси, жамғарилиб бориладиган пенсия дафтарчаси очиладимми?

Абдунаби РАҲИМОВ,  
Нурота тумани



— ЯТТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказиш 30 дақиқа, яъни ярим соат қилиб белгилаб қўйилган. Лекин бугунги кундаги имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ЯТТни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини 15-20 дақиқага қолмасдан бажариш имкониятига эгамиз. Энг яхши таклифимиз эса мабодо вақтингиз тизим бўлса, марказда йўлга қўйилган навбатсиз кўрсатиладиган хизматдан фойдаланишингиз мумкин. Фақат бу хизмат пуллик. Навбатсиз давлат хизматлари кўрсатилиши энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоиз (60819 сўм) миқдоридан белгиланган. Тўловдан сўнг сизга алоҳида ходим навбатсиз хизмат кўрсатади. Агар пуллик хизматдан фойдаланиш имконияти сизда бўлмаса, дейлик ўзинчи киши бўлиб навбатда турган бўлсангиз, тахминан 1 соатлардан сал кўпроқ вақтда навбатингиз келади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг асосий фаолияти хусусий тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорга меҳнат дафтарчасини бериш, меҳнат стажини белгилаш Молия вазирлиги ҳузуридagi бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлиmlлари томонидан амалга оширилади. ЯТТнинг меҳнат дафтарчаси у бошқа ишга жойлашгунга қадар Пенсия жамғармасининг туман бўлимида сақланади.

Саволга Нурота туман Давлат хизматлари маркази мутахассиси  
Абдухалис РАСУЛОВ жавоб берди.

НАВБАТДА ТУРГАНИМГА  
9 ОЙ БЎЛДИ

— ЎЗИМ Навбахор туманида яшайман. Навоий шаҳрида таксичилик қиламан. Фарзандимни Навоий шаҳридаги боғчаларга жойлаштириш учун навбатга қўйдим. Бунга ҳам 9 ой бўлиб қолди. Аммо ҳали-бери навбати келмаяпти. Билишимча, рўйхат навбати жуда узун экан. Туманда-ку боғча кам, тушунса бўлади. Энди шаҳарда ҳам шу аҳвол бўлса, бу муаммага ечим борми?

Қурбонали НАВРЎЗОВ,  
Навбахор тумани

— Навоий шаҳрида жами 34 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, ҳар бири ўртача 250 ўринга мўлжалланган. Таҳлилларимиз натижасидан маълум бўлдики, мазкур муружаатлар Навоий шаҳар аҳолисидан ташқари 30 фоизи туманлар ва қўшни вилоятларга тўғри келади. Бойси, ота-оналар Навоий шаҳрида ишлайди. Жумладан, сиз ҳам. Жорий йилнинг 27 март санаси билан Навоий шаҳар давлат хизматлари марказига 9294 та муружаат бўлган. Навоий шаҳрида эса МТМларда тахминан 8300 дан ортиқ болани боғчага қабул қилиш имконияти бор.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг "Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги 244-сон қарори билан тасдиқланган маъмурий регламентининг 18-бандига мувофиқ имтиёзга эга бўлган муружаатчиларнинг фарзандлари биринчи навбатда жойлаштирилади.

Саволга Навоий шаҳар Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси  
Собир КАМОЛОВ жавоб берди.

ДҲМ ХОДИМЛАРИ ҚАЙТАДАН РЎЙХАТДАН  
ЎТИШНИ МАСЛАҲАТ БЕРИШМОҚДА

— НАВОИЙ шаҳридаги буюм бозорига савдо қиламан. Якка тадбиркор сифатида бундан 7 ой муқаддам рўйхатдан ўтганман. Аммо ҳужжатимда фаолиятимни ноозиқ-овқат савдо тури билан шуғулланиш учун, деб кўрсатилган. Менга ДХМ ходимлари қайтадан рўйхатдан ўтишни маслаҳат беришмоқда. Озиқ ва ноозиқ овқат турлари учун, деб олинг, дейишмаяпти. Нера?

Ғолиб УМРЗОҚОВ,  
Навоий шаҳри



— Вазирлар Маҳкамасининг "Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 850-сонли қарорига асосан ноозиқ овқат товарлари билан чакана савдо қилиш фаолият тури бекор қилинган. Шу боисдан, сизга Давлат хизматлари маркази ходимлари тўғри маслаҳат беришган. Йўқса, фаолиятингиз ноқонуний бўлиб, гувоҳномасиз фаолият юритган ҳисобланасиз.

Саволга Навоий шаҳар Давлат хизматлари маркази директори  
Анвар САФАРОВ жавоб берди.

ЎТГАН ҳафтанинг "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси чиқадиган қуни йўлим тушиб "Сирдарё ҳақиқати" тахририяти биносига кирдим. Иккинчи қаватга кўтаришганда "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ шу ерда фаолият кўрсатмаётгани ёдимга тушиб, йўлакнинг охиригача бордим. Бу ерда 2-3 нафар йигитлар ҳар хил журналларни йўлак адоғига тахлайётган экан. Бир-биридан чиройли, кўзни қамаштирувчи республика журналлари: "Маънавий ҳаёт", "Тил ва адабиёт", "Илк қадам", "Мақтаб ва ҳаёт", "Мақтабгача таълим методикаси", "Молиячи", "Одил судлов". — Нега бу журналларни каридорга тахлайсизлар? — деб сўрадим йигитлардан.



# МАЪРИФАТГА ХИЁНАТ Ёхуд уволдан кўркмаслик

— Булар макулатура ака, ҳозир машинага ортаман, олиб кетади, — деди йигитлардан бири бепарво.

— А?! Макулатура! Шу-я! Ҳазиллашма укам!

"Маънавий ҳаёт" журналини қўлимга олиб кўра бошлаган пайтда қаршимда бир йигитча пайдо бўлди.

— Олаверинг, Шухрат ака, олаверинг. Мен сиз билан телефонда гаплашиб турадиган, матбуот тарқатувчи МЧЖнинг иш юритувчиси Камолиддинман.

Ҳақиқатан ҳам мен бу йигит билан бир неча марта телефон орқали гаплашган, ўзини эса энди кўришим эди. Туман адлия бўлимига газеталар етиб бормаётганига сабабли у билан бир неча марта телефонда суҳбатлашган эдик.

— Ҳа, Камол ишчиларингиз мана бу журналларни макулатура деяпти, қаердан олдингиз шунча макулатурани, — деб сўрадим.

— Бу журналларни 300 метр нарида маку-

латура қабул қилиш шохобчаси бор, ўша ердан олдим. Хоҳласангиз юринг кўрсатаман.

— Кўрсатинг! — дедим нигоҳимни унга жиддий қадаб. — Энди нима қиласиз, бу "макулатура"ни?

— Мен буларни арзон нархда олдим. Энди Тошкентда қиммат оладиган жойига олиб бориб сотаман.

Иш юритувчи мени макулатура қабул қиладиган шохобчага олиб бориб, чўпқачларига ишонтирмади. Биз яна "Матбуот тарқатувчи" МЧЖга қайтдик. Журнал тахламларини энди синчиклаб кўра бошладим. Юқорида санаб ўтилган журналлар бир неча юзлаб донани ташкил қилади. 70-80 фоизнинг босма хона боғлами ва тахлами бузилмаган, ҳатто. — "Маънавий ҳаёт" журнали қанча туради? — сўрайман Камолиддиндан.

— Утган йили бир донаси 35000 сўм эди шекилли. Бир килограмм макулатура 1500 сўмдан олинаяпти экан.

— Кўзингиз қандай қийди шундай гўзал жур-

налнинг 5-6 тасини 1500 сўмга сотишга — асабларим бузилиб, ҳурлая бошладим. Битта отаравани синдирадиган шунча журнални макулатурага сотиб юбориш учун менимча ёки ўта саводсиз, ёки телба бўлиш керак! Бу орада Республика "Маҳалла" газетасининг вилоят мухбири Тошпўлат Хайитбоев келиб қолди: — О, Шухратжон укам қандайсиз, яхшимисиз, нима қилаясизлар, бу ерда?

— Макулатура сотаямиз, мана!

— Йўғ-ей, ахир, булар боғлами ҳам ечиммаган янги журналлар-ку!

— Тошпўлат ака бу шоввозлар 2018 йилнинг 7-8 хил турдаги бир-бирдан гўзал журналларини ўз обуначиларига йил бўйи тарқатмай, йиғиб энди макулатурага топширмакчи бўлиб туришган экан.

Тошпўлат ака қошларини чимирди:

— Бу нарсасида чидаб бўлмайдим. Мана энди одамларнинг "газета ва журналларингизга обун бўламан, лекин барибир бизга етиб келмайди", деган ҳаққи эътирозига жавоб толгадмайман.

Юқорида бўлиб ўтган воқеаларни қозога туширар эканман, матбуот тарқатиш соҳасида маънавий ва маърифатнинг фарқига борадиган, фидойи ҳалол инсонлар ишлаши керак эканлиги кўнгилдан ўтди. Биз журналистлар 2019 йил обун мавсумини жуда қийинчиликлар билан ташкиллаштирганимизни кўпчилик яхши билади. Газета ва журналларимизни халқимизга зиё улашайлик, деб нашр этсагу, матбуот тарқатувчи МЧЖларда фаолият олиб бораётган Камолиддин Хошимовга ўхшаган "бизнесмен"лар бу ёқда макулатура бизнесини гуллаб юрган бўлсалар. Биз матбуотимизга бўлаётган хиёнатнинг бу кўринишига сўнги сўз айта оладиган масъуллардан жавоб кутиб қоламиз.

Шухрат СУЯРОВ,  
"Инсон ва қонун" мухбири

## ◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.



## Журналист суриштируви

Тегишли қонун ҳужжатларига асосан, мазкур муурожаат юзасидан журналистик суриштирув давомида баъзи бир ҳолатлар ойдинлашти баробарда кишини ажаблантиради.

Хусусан, 2018 йилда Ҳ.Ғайбуллаев уй-жойига Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги 5421-Фармонида асосан эгалик ҳуқуқини бериши сўраб Бекобод туман Давлат хизматлари марказига муурожаат қилади. Унинг муурожаати туман комиссияси томонидан эгалик ҳуқуқи берилиши мумкин эмаслиги ҳақида далолатнома тузилиб, рад этилади. Бунга Бекобод туман қурилиш бўлими архитектори М.Абдуллаевнинг 2018 йил 26 декабрдаги 461/775-сонли хулосаси асос бўлиб хизмат қилади. Биз унинг айрим жузъий ҳатоларини тўзатган ҳолда, аслича келтираемиз.

### ХУЛОСА

Бекобод тумани қурилиш бўлими Сизга шуни маълум қиладики, Бекобод тумани "Теракзор" маҳалла фуқаролар йиғини "Теракзор" ҳудудига фуқаро Ғайбуллаев Ҳусниддин Жалолиддинов эҳтидордан қурилган 0,12 га ер майдонига жойлашган 75,80 кв.метр уй-жойи туман қурилиш бўлими томонидан жойига чиқиб ўрнатилганда, мактаб ҳудудига жойлашганлигини инобатга

олиб мувофиқ эмас.

Бекобод туман Қурилиш бўлими архитектори (имзо) М. Абдуллаев

Бу матндан ким нима тушуна олди билмадигу, ҳар ҳолда биз "мувофиқ эмас", деган жумладан мулк ҳуқуқи берилиши мумкин эмас, деган маънони аранг пайқадик. Ва М.Абдуллаев бу хулосага эҳтидордан олдин бутун бошли бир оиланинг тақдирини билан боғлиқ ҳолатга ўта масъулиятсизлик ва эътиборсизлик билан ёндашганига чин дилдан ачиндик.

Сабоби, эгалик ҳуқуқи сўралаятган уй-жой бу хулосада айтилаётганидек, Ҳусниддин Ғайбуллаев томонидан эмас, унинг отаси Жалолиддин Ғайбуллаев томонидан қурилган. Бу ҳақда Ҳ.Ғайбуллаевнинг муурожаати ва бошқа ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган. Яна бир томондан, агар туман архитектори мазкур хулосада назарда тутилаётган мактабнинг юридик ҳужжатлари билан яқиндан танишиб чиққанда эди, Ғайбуллаевлар уй-жойи 10-мактаб ҳудудига жойлашмаганлигини дарров англаб етган бўларди. Зеро, бунга Тошкент вилояти "Ер тизими ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси Бекобод шаҳар филиали тураржой мутахассиси И.В. Петрованинг Тошкент вилояти прокуратурасига берган қуйидаги хулосаси ҳам тасдиқлаб турибди.

Гап шундаки, Ирина Викторовна Ҳусниддин Ғайбуллаевнинг республика бош Прокуратурасига мазкур муаммо бўйича қилган муурожаатини ўрганиб чиқиш жараёнига вилоят прокуратураси томонидан етук мутахассис сифатида жалб қилинган.

Унинг хулосасига эътибор қаратинг:

"...Ҳ.Ғайбуллаевнинг шаҳар Давлат хизмати марказига қилган муурожаати туман архитектура ва қурилиш бўлимининг асосланмаган рад жавоби билан қайтарилган. Урганиш давомида муурожаат этувчининг уйи билан чегарадош мактабнинг кадастр ҳужжатлари кўриб чиқилди. Ушбу мактабнинг фақат техник ҳужжатлари мавжуд бўлиб, мулк ҳуқуқи давлат рўйхатида ўтказилмаган, ер ажратилиши ва мактабга бириктирилган ер майдони ҳақида ҳам ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас.

Ҳ.Ғайбуллаев яшаб келаётган Бекобод тумани, Теракзор МФЙ Теракзор қўчасидаги уй-жойдаги қурилишлар ва эгалланган ер майдони чегарадош бўлган 10-умумтаълим мактаби ерига кириб кетгани ёхуд ушбу ҳудуднинг ерини ўзлаштириб олингани ҳақида (мактаб биносига қанча ер ажратиб берилгани ҳақидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмагани сабабли) маълумотлар аниқланмади".

Шунингдек, Тошкент вилояти

"Ермулккадастр" ДК Бекобод туман филиали раҳбари Б.Турсуновнинг расмий маълумотномасида ҳам 10-сонли мактабнинг фақат кадастр ҳужжатлари борлиги, юридик ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ва давлат рўйхатидан ўтмаганлиги қайд этилган. Биз бу масалага янада аниқлик киритиш мақсадида у киши билан телефон орқали боғланиб, Ҳусниддин Ғайбуллаевнинг уй-жойи мактаб ҳудудига жойлашган ёки жойлашмаганлигини сўрадик.

У кишининг жавоби шу бўлди. "Йўқ, Мактаб кадастр ҳужжатларига кўра, мазкур уй-жой мактаб ҳудудига жойлашмаган".

Юқорида айтиб ўтганимиздек, яна бир эътиборли жиҳат, битта муурожаатта битта комиссия аъзоларининг икки хил жавобидир. Хусусан, "Ермулккадастр" ДК Бекобод тумани филиали раҳбари в.б. Б.Турсуновнинг Ҳ.Ғайбуллаев ва туман ҳокимлигига берилган жавоб хулосасида эгалик ҳуқуқи сўралаётган уй-жой 1964 йилда "Бекобод қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси" томонидан Ғайбуллаев Жалилга қуриб берганлиги ва бунга тасдиқловчи 04.08.1964 йилдаги 79-сонли маълумотнома мавжудлиги, шу сабабли Вазирилар Маҳкамасининг Президентимизнинг 5421-сон Фармони ижросини ташкил этиш ҳақидаги қарори Низомидаги 1-Боб 1-бўлимига асосланган ҳолда Ҳусниддин Ғайбуллаевнинг муурожаатига комиссия рад хулосасини берганлиги маълум қилинган.

Бир инсоннинг 55 йил яшаган ота мерос уй-жойига эгалик ҳуқуқини рад этиш қудратига эга 79-сонли маълумотнома аслида 1964 йил 4 августда Бекобод қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси партия қўмитаси котиби ўринбосари П.Қушевнинг Ғайбуллаев Жалилга совхоз дирекцияси томонидан уй қуришни бошлагани ва уй 1964 йилнинг 15 сентябрга қадар битказилиши ҳақида юқори турувчи органга тақдим этган маълумо-

тидир. Аини пайтда ҳоким қарори билан тенглаштирилмаётган бу билдирги фуқарога турар уй-жойини хусусийлаштириш учун асос бўла оладими? Агар аксинча бўлса, Ҳ.Ғайбуллаевга Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421 сон Фармонида асосан эгалик ҳуқуқини беришга нима ҳалақат беради? Бу саволлар жавоби олти нафар инсон кўп йиллардан бери яшаб келаётган уй-жой муаммосига өчим бўла олишини тегишли ташкилотларнинг мутасадди ходимлари мутахассис сифатида яхши билишади, деб ўйлаймиз.

Ҳусниддин Ғайбуллаев тахририятимизга тақдим қилган ҳужжатлар орасида ота мерос уйида 1967 йилдан бери яшаб келаётганлиги, улар доимий рўйхатга қўйилганлиги ҳақида расмий маълумотлар, "Теракзор" МФЙ раиси ва қўшиларнинг кафолат хатлари, шунингдек, унинг муурожаати турли давлат органларининг ёзма жавоблари чорасиз қолган бир оила бошлигининг нахот истаб тинмай бонг чалаётганидан далолат бериб турибди. Лекин айрим давлат ташкилотларининг мутасадди раҳбарларига қулоғини беркитиб, муурожаат эгасига ҳуқуқий йўл-йўриқ кўрсатиш, амалий ёрдам беришдан кўра, "судга муурожаат қилинг", дейиш осон кўринади. Ваҳоланки, инсон ҳақ-хуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш бугунги кунда барча давлат органи ва ташкилотларининг асосий вазифаси саналади. Албатта, Президентимизнинг "Уй-жой амниятига тўғрисида"ги Фармони ижроси алоҳида назоратга олинган аини бугунги кунда бир инсоннинг 55 йиллик уйдан, оиласи билан яшаб турган бошланасидан ажралиши оғир ҳолат. Бунга панжара ортидан томошабин сифатида қараб туришининг ҳам жавобгарлиги муқаррар. Шундай эмасми?

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,  
"Инсон ва қонун" мухбири



Бошланиши ўтган сонда.

**МАҲАЛЛА ТАРБИЯ МАСКАНИ БЎЛА ОЛАЯПТИМИ?..**

Оила, маҳалла ва кенг жамоатчилик ҳамкорликда ёшларни никоҳ масаласига муносабатини кучайтириш ва оилаларда учраётган муаммоларни бартараф этишга эътиборини қаратиш зарурлиги талаб этилади. Шу боис оила мустаҳкамлигини таъминлаш, оилалар бузилишига йўл қўймаслик мақсадида хотин-қизлар кўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органларига давр талабидан келиб чиққан ҳолда янги ва янги вазифалар юкланмоқда.

— Бизнинг МФЙ ҳудудида 2639 та оила истиқомат қилади. Ўтган 2018 йили 8 та оила ажралиш масаласида муружаат қилган бўлса, ҳозирча уларнинг 5 тасини яраштиришга муваффақ бўлдик, — дейди Юнусобод тумани “Хуснобод” МФЙ раиси Д.Тўхтаўжаева. Ушбу оилаларнинг 2 таси фарзандсизлик сабабли ажралишга қарор қилган.

Ажабланирлиси, бузилиш даражасига келиб қолган оилаларнинг аксариятида, кундалик ҳаётда учраш мумкин бўлган арзимас майда гап-сўзлар, етишмовчиликлар эканлиги кузатишган. Масалан, кўёв келини яқин таниши, дейлик синфдоши билан беҳосдан кўришиб қолганлиги ёки телефони орқали гаплашгани рашқ қилишга сабаб бўлиб, катта жанжалга олиб келган. Уларнинг ўзаро тортишувига қайнона ҳам аралашгани эса ажралишга бориб етган.

Дарҳақиқат, эр-хотин муаммоси суд идорасига етмасдан, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан уларга рўзгорда учрайдиган кўнгилсизликлар, етишмовчиликлар ўткинчи эканлиги, никоҳ, оила муқаддас ва уни қадрлаш, асраб-авайлаш шартлиги, болалар бахти, тақдир, келажаги учун ота-она бирдек масъулигини ўз вақтида тушунириш зарур. Чунки оила фақат эр ва хотиндан иборат эмас, унда фарзандлар ҳам истиқомат қилишади. Қолаверса, барбод бўлган оилаларда вояга етмаган фарзандлар ота ёки онасидан алоҳида яшаб, кўнгли синиқ, дийдаси қаттиқ, моддий-маънавий етишмовчилик таъсирида улғаяди.

**ЁЗИЛГАН ВА ЁЗИЛМАГАН ҚОИДАЛАР**

Ҳуқуқий тартиб-қоидага кўра, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида тузилади. Лекин ҳаётда оиланинг ҳеч қаерда ёзилмаган ўз қонун-қоидалари борки, уларни инкор этиш олаймики. Яъни, оилавий ҳаётда қонуларда кўрсатилмаган ахлоқий нормалар, урф-одатлар, тарбия ва тартибга ёндашиб яшашга тўғри келади. Акс ҳолда...

Ўрганишлар жараёнида маълум бўлишича, оилаларнинг ажралишларининг 50-60 фоизи хонадонидagi келишмовчилик,



**ДАРЭЗ**



қолгани фарзандсизлик, узоқ муддат бир оила бўлиб яшамаслик, хиёнат, ичкилик ва тийиқдорликка ружу қўйиш сабабли келиб чиқмоқда. Албатта, ажралишлар у ёки бу сабабларга кўра содир бўлганидек, низоосиз ҳам кечмаган. Суд идораларида кўрилатган ишларни таҳлил қилганда, ажралишлар натижасида келиб чиқадиган низооларнинг асосини мол-мулк, уй-жой билан таъминлаш, алимент, никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш, боланинг туғилганлиги фактини белгилаш каби ишлар ташкил қилаётганлигини кўрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда айрим оилаларда учрайдиган келишмовчиликлар, оилалардаги кўйди-чиқдилар одатий ҳолга айланиб бориши баробарида, кўпчиликини ташвиш ва хавотирга ҳам солмоқда. Бунга аксарият ҳолларда, рўзгордаги етишмовчилик эканлиги рўқча қилинмоқда. Аммо ўйлаб кўрилса, бир замонлар очарчилик, қимматчилик даврларида ҳам эр-хотин турмушининг пасту баландида бир-бирига елкадош бўлишган. Асосийси, оиладаги ҳар қандай низо ва келишмовчиликларга кўпни кўрган қариялар томонидан чек қўйилган. Уларнинг бир оғиз сўзи билан катта тўполонларнинг олди олинганига, ҳар қандай адоватларни бир чимдим насихат билан бутунлай сўндирганига оқсоз мазийнинг ўзи гувоҳ,

туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур маслаҳат, кўмак кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, бугунги кун талаб ва эҳтиёжини тўғри англаб етказишда нега унинг ўрни ва нуфузи сезилмаяпти?

Тан олиш керак, бугун оилавий ноҳушликлар ёнимизда, маҳалламизда, юртимизда содир бўлмоқда. Уларнинг аксарияти бефарқлигимиз боис юз берганлигидан ҳам кўз юма олмаимиз. Ана шу эътиборсизлигимиз туфайли кимлардир вазият қурбонига айланавтгани ҳам айни ҳақиқат. Негаки, оиладаги ўзаро келишмовчиликлар сабабли ўз жонига қасд қилиш, одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш каби жиноий ҳолатлар кузатишмоқда. Бу борада кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазалари матбуотнинг барча тармоқлари орқали хабардор қилиб боришмоқда. Шунга қарамай, оилаларда ҳамон кўнгилсизлик, фожиали воқеалар юз бермоқда.

Жумладан, яқинда Юнусобод тумани “Увайсий” маҳалласидаги оилалардан бирида фожиали ҳолат содир этилди. Ачинарлиси, ушбу оила аъзолари, яъни эр-хотин оқ-қорани таниган, ёши ҳам бир жойга бориб қолган 60-70 ёшлар ўрасидаги кишилар эди. Улар ўша воқеа содир бўлган кунни ўзаро жанжаллашиб қолганлиги туфайли бир-бирига айтмаган гап-сўзлари қолмаган. Натижада аёл тилини, эр қўлини тийиқдордан тўхтамаган. Ниҳоят ҳақоратни гурури кўтара олмаган эр ғазабини боса олмай қўлидаги пичоқ билан хотинини ўлдирган.

Албатта, бундай кўнгилсизлик ҳар бир инсоннинг қалбини ларзага солади. Бирок рўзгор тутимида ёшларга ўрнатилган бу оила ҳақида бирон-бир фикр ёки мулоҳаза юритиш таажубланарли ҳолдир.(?)

Шу ўринда айтиш лозимки, оилада содир этилган жиноятларнинг субъектларига айрим ҳаётий муаммоларни ҳал

эта олмаслик, ўзини тийиб тура олмаслик каби хусусиятлар ҳосидир. Чунки ушбу ҳолатлар жойига бориб ўрганилганда, оиладаги кичик бир келишмовчилик, бир-бирини тушунмаслик ёки айрим ижтимоий-иқтисодий, маиший муаммолар туфайли туғилганлиги маълум бўлади. Бироқ ҳар қандай ижтимоий ва иқтисодий муаммони сабуру қаноат, ақлу ирода билан ҳал қилса бўлади, назаримизда.(?)

Дарҳақиқат, мураккаб замон талаби оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш, ҳудудларда кам таъминланган ва нотинч оилаларни аниқлаш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, манзилли профилактик тадбирлар ўтказишни тақозо этмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини, профилактика инспектори ва хотин-қизлар кенгаши, кенг жамоатчилик ҳамкорликда аҳолини, жумладан, оилаларнинг яшаш тарзи, ўй ва муаммолари билан қизиқиш, лозим бўлганда профилактик чоралар кўрса содир этилиши мумкин бўлган ҳар қандай жиноятнинг олди олинади. Қолаверса, оилалар, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни яқиндан ўрганиш, одамларнинг дарду ташвишидан хабардор бўлиш, муаммоларни жойида ҳал этиш, учрашув-мулоқотлар орқали тарбиявий таъсирчанлигини ошириш асосий вазифамиз ҳисобланади. Зеро, эл-юрт тинчлиги, кўнгиллар хотиржамлиги, оилалар мустаҳкамлиги, фарзандлар камолига ҳар биримиз ўзимизда масъулият сезиб, дахлдорлик ҳисси билан яшамоғимиз, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмоғимиз инсонийлик бурчимиздир.

Гулсумхон ШОДИЕВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

**ҚАРИНДОШЛИК ФАКТИ ИСБОТЛАНДИ**

УЧТЕПА туманида яшовчи фуқаро Б.Ахунджанов туман адлия бўлимига бобосидан қолган Учтепа тумани, Тўқмачи кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган уй-жойни мерос сифатида ўз номига расмийлаштира олмаётганлигидан норози бўлиб муружаат қилди. Унда қайд этилишича, отасининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси бобоси ва отасининг ҳақиқатан ҳам ота-бола эканлиги фактини белгиловчи расмий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги боис, ушбу масаланинг ҳал этилишида амалий ёрдам беришни сўраган.

Ушбу муружаат Б.Ахунджановда мавжуд ҳужжатлар асосида ўрганилганда, бобоси ва отасининг ҳақиқатан ҳам ота-бола эканлиги фактини

суд тартибида белгилатиш лозимлиги маълум бўлди.

Фуқаронинг манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига ариза киритилиб, Б.Ахунджановнинг бобоси ва отасининг ҳақиқатан ҳам ота-бола эканлиги, яъни қариндошлик факти белгиланди.

Суднинг қарорига асосан Б.Ахунджановга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома расмийлаштириб берилиши таъминланди.

Манзура ОЧИЛОВА,  
Учтепа туман адлия бўлими катта маслаҳатчиси

**АДЛИЯ АРАЛАШГАЧ...**

**УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТИКЛАНДИ**

ТЕРМИЗ туман адлия бўлимига 2019 йилнинг 1-чораги давомида келиб тушган жами 53 та муружаатнинг 28 таси бўлим бошлиғи ҳамда ходимлари томонидан амалга оширилган шахсий ва сайёр қабулларга тўғри келади.

Жумладан, Термиз тумани “Гулбаҳор” маҳалласида яшовчи фуқаро З.Холбоева адлия бўлими бошлиғининг шахсий қабулига муружаат этиб, ўзбошимчилик билан қурилган жами 0,9 га. (9 сотих) ер майдонидagi уй-жойларини тегишли тартибда ҳужжатларини расмийлаштириб беришни сўраган.

Ушбу муружаат юзасидан тўпланган ҳужжатлар ўрганилиб, туман ад-

лия бўлимининг аралашуви билан амалдаги қонун ҳужжатлари асосида Термиз туман ҳокимининг фуқаро З.Холбоеванинг ер майдони ва тураржой ҳамда ёрдамчи биноларга бўлган ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги 2019 йил 22 мартдаги 1455-сонли қарорининг қабул қилинишига эришилди. Фуқаронинг уй-жойлари учун тегишли кадастр ҳужжатлари йиғма жилди шакллантирилиб, унинг ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Баҳодир АШУРОВ,  
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

## СССРнинг махфий объектлари

## Қандай мақсадда қурилган ва ҳозир қай аҳволда?

СОБИҚ совет ҳукумати коммунизмга етишиш учун куч ва қудратини таъминлаш лойиҳаларини молиялаштиришга сарф-ҳаражати сира ҳам аямас эди. Бу мақсадга йўналтирилган махфий объектларда турли тадқиқот ишлари олиб бориларди. Эътироф этиш жоизки, атроф-муҳит ва инсон ҳаётига хавф туғдирадиган бундай тадқиқот ишлари СССР тарихидаги барча иттифоқ республикаларида барпо этилган махфий объектларда олиб борилган. Совет иттифоқи парчалангандан кейин ташландиқ ҳолга келган бу махфий объектлар ва уларнинг фаолияти фож бўлди.

Россиянинг "Аргументы и факты" газетасининг жорий йил 13-сонида СССР даврида мавжуд бўлган қуйидаги махфий объектлар ҳақида маълумот берилган.

## ОРОЛ ДЕНГИЗИ ЎРТАСИДА ПОЛИГОН БЎЛГАН

Ёзилишича, 1942 йилдан 1992 йилгача Орол денгизи ўртасида жойлашган Возрождение оролида ҳарбий биёикмевий полигон мавжуд бўлган. У шартли ном билан "Бархан" деб аталган. Ярим аср вақт мобайнида бу ерда ит, маймун, қўй ва от каби ҳайвонлар устида бактериологик куруллар тажриба сифатида синовдан ўтказилган. Кимевий препаратлар намуналари СССРдаги барча ҳарбий биёикмевий лабораториялар — Степногорск, Киров, Свердловск-19, Омутнинск, Сергиев Посад, Оболенскдан келтирилган.

Объект қаттиқ қўриқланган, оролга бегоналарнинг кириши қатъий тақиқланган. Махфийлик даражаси шу қадар кучли бўлганидан, ҳатто полигонга хизмат курсатишда иштираётган ходимларнинг аксарияти қаерда ишлаётганликларини ҳам билишмаган.

Оролда бутун бошли биоинженерлик институтлар мажмуаси, корпус ва лабораториялар, ҳайвонлар устида тажриба ўтказиладиган махсус жой — виварийлар, ускуналар

омборлари жойлашган. Шаҳарчада ҳарбий олимлар учун жуда қулай шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Лекин 90-йилларга келиб, барчаси кескин ўзгариб кетди. 1992 йилда президент Борис Ельцин полигонни ёпиш тўғрисида фармон чиқарди. Ҳарбий муассаса Кировга кўчирилди, биологическая эса бузиб ташланди. Бузиб ташланган ускуналар ва озгина қийматга эга барча жиҳозлар талончилар томонидан ташмалаб кетилди. Бугунги кунда у ерда фақатгина ташландиқ бинолар қолган ҳолос.

Маълумотларга кўра, 1995 йилда америкалик ҳарбий бактериолог полигонга келишган. Чет эллик мутахассислари СССР парчаланганидан кейин Орол худудига эгаллик қилган Ўзбекистон ва Қозоғистон расмийлари таклиф қилинган. Улар эски қабристондан намуналар олишган.

## ЛАТВИЯДАГИ "ДВИНА" ҚУРИЛМАСИ

1964 йилдан бошлаб Ригадан 17 км узоқликдаги Кекавада "Двина" номи ракетапар комплекс — 35 метрлик чуқурликда аппаратларни ишга туширишга мўлжалланган 4

та ерости шахтаси, ерости команда пункти, ёниги компонентлари ва махсус жиҳозлар зали мавжуд бўлган.

Мазкур объект 1964 йилда қурилган эди. Лекин 1970 йилнинг ярмида ҳарбий ҳаво кучларига кириб келган РСД-10 ривожланган сабабли, Р-12 ва Р-12У русумли ракеталар қурол-яроғ сафидан чиқарилади ва эндиликда совет ҳукумати "Двина" керак бўлмай қолади. Шу муносабат билан биринчи навбатда ракеталар мажмуаси шахтадаги барча ускуналар билан бирга йўқ қилинади. СССР парчалангандан кейин Латвия ўрмонларидаги шахталар ва мазкур объектларнинг айрим қисми сув босди ва талон-тороғ қилинди. Металл жиҳозлар қирқиб ташиб кетилди.

Бугунги кунда экстремал туризм билимдонларининг оғоҳлантиришлари, бу ташландиқ объектларга тажрибали гидсиз саёҳат қилиш ҳаёт учун хавфлидир. Хатар шахталарни сув босганлигида эмас. Балки сув остида қолган шахталар ёригидан ҳар дақиқада отилиб чиқиши мумкин бўлган ракеталар ёниги сизнинг захарли буги — гептилада экан.

## "ДУГА" ЁКИ "РУС ҚИЗИЛИШТОНИ"

Совет ҳарбий кўмондонлиги томонидан китъаларно баллистик ракеталар ишга туширилганини ўз вақтида аниқлаш мақсадида хавфдан оғоҳлантирувчи "Дуга" деб номланган тизим яратиш ҳақида қарор қабул қилинди. У СССРнинг турли жойларида: биринчиси ҳозирги Украина худудидида Чернобылда, иккинчиси эса Комсомольск-Амур ёнида жойлашган иккита туташ тармоқдан ташкил топган эди. Баллистик ракеталар учирилганда ионосфера, яъни ҳавонинг юқори қатламида акс берадиган старт пайтидаги чақнаш орқа-

ли аниқланиш кўзда тутилган. Шу сабабли, қурилма ҳайратомуз даражада улкан бўлиб, унинг 30 та мачтадан иборат антенналар баландлиги 150 метрга, эни эса 800 метрга етди. Ҳа пайтада қурилма жуда ноб саналган, технологияси эса олим ва муҳандисларнинг имкон доирасини янада кенгайтиришга хизмат қиларди. Мазкур объектнинг махфийлик мақоми 1980 йилларнинг ўртасигача сақланиб келган.

Чернобыл устидаги бундай маҳабатли антенналар жуда катта энергия улкан қиларди. Айнан шу сабабли, объектни атом электр станциясига яқин жойда қуриш мақсадга мувофиқ, деб топилган. Унинг ёнида ҳарбийлар ва уларнинг оиласи яшайдиган гарнизон жойлашган эди. Бу мўъжаз шаҳарча Чернобыл — 2 деб аталарди.

Станция ҳаво тўлқинларида тўқиллашга ўхшаш овоз чиқаргани учун, совет давлати ўзига тахминан рақиб, деб билган томондагилар унга Russian Woodpecker, яъни ("рус қизилиштони") деб лақаб қўйишганди. Бироқ Чернобыл АЭСда содир бўлган муҳим ҳалокат "Дуга" фаолиятига ҳам нуқта қўйди. 1987 йилда ҳукумат раҳбарлари махфий объектни мазкур худудда ортқ сақлаб туришининг иложи йўқ, деган қарорга келиши ва унинг асосий жиҳозлари қисиларга бўлиниб, Комсомольск-Амурга олиб кетилди. Фақатгина ўрмонлар устида қад кўтарган улкан радиомачталар шу ёнинг ўзидан қолдирилди. Ҳозирда улар Чернобыл АЭСнинг хувиллаб ётган ҳар бир нуқтасидан кўриниб туради.

Рус тилидан "Инсон ва қонун" муҳбири  
Фарида ҚОРАҚУЛОВА таржимаси.

РЕКЛАМА

Ҳурматли тadbirkorлар!

## "АСАКА" БАНК

бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш  
учун қуйидаги хорижий банкларнинг  
кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар  
таклиф этади:

- Коммерцбанк А.Г. (Германия);
- КФВ Ипекс Банк (Германия);
- Ландесбанк А.Г. (Германия);
- Хитой Халқ Республикаси Давлат Тараққиёт Банки;
- Корея Республикаси Эксимбанки;
- Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки — "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида;
- Туркия Республикаси Эксимбанки;
- Халқаро Тараққиёт Агентлиги — "Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида.

"АСАКА" БАНК — тadbirkorлик  
тараққиётининг мустақкам таянчи!

Маълумот учун телефонлар: (78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24,  
120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН  
ҚОНУН

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатта олинган



МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДИЯ ВАЗИРЛИГИ  
www.minjust.uz

Бош  
муҳаррир

Кўчқор  
НОРҚОБИЛ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиёв Шерзод Миржалипович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Исқандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна  
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Таҳририятга келган  
қўлёмалар таҳрир  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Гулҳаё Нурметова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137  
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририят компьютер  
базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда,  
2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон"  
нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,  
30-уй.

Ушбу сонда ЎзА  
суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 11819  
Буюртма — V-3290  
Тошпириш вақти — 19:00  
Тошпирилди — 00:30

## МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.  
Сайилгоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23,  
(0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси белгирилган нархда

1 2 3 4 5